

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ
БИЗНЕС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Рўзметов Жасурбек Йўлдашевич,
Омонов Фахриддин Абдураззоқович,
Саидкулов Шухрат Шерзодович,
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
тингловчилари**

Аннотация: Рақамли технологияларни жорий қилиш ҳолати ҳозирги кунда эса ушбу ибора миллий иқтисодиётнинг турини аниқлаш роли, иқтисодий ўсишнинг манбаи, улардан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг шаклланиб бориши жараёнлари, давлатдаги иқтисодиёт ва институционал ҳолат индекси, билимлар индекси, инновациялар индекси, таълим индекси ва АКТ индекслари асосида кузатиб борилиши каби тарғиботларни амалга оширишдаги муҳим ролини таҳлил қилади.

Калит сўзлар: Рақамли технология, иқтисодиёт, бизнес, ижтимоий тармоқлар, электрон почта, вебсайт, мамлакат, ривожланиш, инвестиция.

Annotation: Annotation: A number of modern technologies currently play a role in the development of the national economy in Turin. Economists study sources, performance indicators, economic dynamics, government and institutional indexes, billionaire indexes, innovation indexes, educational indexes, and index acts based on an analysis of important roles in promoting various practices.

Keywords: technology, Economics, business, social networks, e-mail, website, Country, development, investments.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг иқтисодий ўсиши, авваламбор, билимлар ва интеллектуал потенциал ҳисобига амалга оширилмоқда. 1962 йилда австриялик олим Ф.Махлуп томонидан “билимлар иқтисодиёти” ибораси илк бор амалиётга киритилиб, унинг остида миллий иқтисодиётнинг бирор-бир сектори тушунилган.

Ҳозирги кунда эса ушбу ибора миллий иқтисодиётнинг турини аниқлаш учун қўлланилиб, унда билимлар асосий роль ўйнамоқда. Иқтисодий ўсишнинг манбаи бўлиб эса билимларни ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобланмоқда. Билимлар иқтисодиётининг шаклланиб бориши жараёнларини давлатдаги иқтисодиёт ва институционал ҳолат индекси, билимлар индекси, инновациялар индекси, таълим индекси ва АКТ индекслари асосида кузатиб бориш мумкин. Шунинг учун ҳам билимларга қилинаётган инвестициялар миқдори асосий фондларга қилинаётганларга нисбатан ўсиб бормоқда. Билимлар маҳсулотдир, бир томондан, шахсий бўлиб, бошқа томондан эса жамоавийдир, яъни улардан барча кишилар фойдаланишлари мумкин.

Иқтисодий ўсиш маълум бир давр мобайнида миллий иқтисодиётдаги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш ҳажмининг юксалиб боришидир. Унда кўпгина омиллар ўз аксини топади, яъни миллий ресурслардан рационал фойдаланиш, иқтисодиётнинг барча даражаларини самарали бошқариш, юқори даражадаги рақобатбардошликни нафақат ички бозорда, балки глобаллашув жараёнлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ташқи бозорда ҳам таъминлаш керак.

Иқтисодий ўсишнинг мутлақ кўрсаткичлардаги ифодасини ЯИМ, миллий даромад, миллий бойлик, давлатнинг тўлов баланси ва олтин-валюта захиралар юксалишида кўриш, нисбий миқдорий иқтисодий кўрсаткичлардаги ифодасини эса аҳоли жон бошига ЯИМ, аҳоли даромадлари, истеъмол миқдори, жамғармалар, инвестициялар тўғри келиши билан изоҳлаш мумкин.

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ўсишини аниқлашда сифат кўрсаткичлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Унга аҳолининг билимлилик даражаси, саломатлиги, миллий иқтисодиётнинг тармоқ бўйича таркибланиши, жамиятнинг инфратузилмавий ривожланиш даражалари киради. Бундан ташқари иқтисодий ўсиш аҳолининг турмуш сифати ва даражаси ўсиши билан ҳам яқиндан боғлиқ бўлиб, у ўз ўрнида яшаш

давомийлиги ўсиши, тиббий хизмат сифати юксалиши, замонавий таълим олиш имкониятлари, иш куни давомийлиги қисқариши, фуқаролар хавфсизлиги ва ҳоказолар билан ифодаланади.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, ҳозирги даврда иқтисодий ўсиш омилларидан бўлиб меҳнат, капитал, технологиялар, ер ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳисобланмоқда.

Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси глобал инновацияларни кенг жорий этиш асосида кўпгина давлатлар иқтисодий ўсишини таъминлашнинг асосий йўналишларидандир. Миллий иқтисодиётнинг ушбу соҳаси кўпгина давлатларда эндигина шаклланмоқда, лекин ривожланган давлатларда эса у иқтисодий ўсишнинг локомотиви бўлиб хизмат қилмоқда. АКТ меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва бошқа барча ресурслардан оптимал фойдаланишнинг асосий омили бўлиб, замонавий иқтисодиётда аҳамиятли ресурсларга айланмоқда.

АКТ маҳсулотларини оммавий ишлаб чиқариш билан, асосан, Малайзия, Сингапур, Корея Республикаси, Хитой каби саноатлашган давлатлар шуғулланаётган бўлса, уларнинг истеъмолчилари эса ривожланаётган мамлакатлар ҳисобланмоқда. АКТ самарадорлиги индекси бўйича эса дунёда Швеция, Сингапур, Финляндия, Швейцария, АҚШ, Дания ва Канада мамлакатлари илғорлик қилишмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, АКТнинг самарадорлик индекси бозор муҳити, уни тартибга солиш муҳити, инфратузилма, аҳоли тайёргарлиги, бизнеснинг тайёргарлиги, АКТдан аҳоли, бизнес ва давлатнинг фойдаланиш даражалари билан ифодаланади.

АКТ олдинги технологияларга нисбатан бир қатор ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Уларнинг иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодиётга таъсири сифат жиҳатдан бошқача тусда бўлади. Авваламбор, АКТни тарқатиш ва ундан фойдаланиш глобал характерга эга. Бу технология унумдорлиги ва

иқтисодий самарадорликни юксалтириш мумкин бўлган барча соҳаларда қўлланилади, жумладан, бошқарув соҳасида ҳам.


Бошқарув ва бизнес жараёнларида АКТдан самарали фойдаланаётган мамлакатларнинг тажрибаси жуда ҳам эътиборлидир. Сингапур давлати дунёда биринчи бўлиб оптик толали тармоқ билан барча соҳаларини 100 % таъминлади, Швеция давлатида 2012 йилда барча компания ва уй хўжаликлари оптик тола билан 100 % қамраб олинди. Ушбу технологик ёриб ўтиш уларнинг иқтисодий ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

АКТнинг иқтисодий ўсишга таъсирини бевосита ва билвосита самарадорлик асосида аниқлаш мумкин. Бевосита самарадорлик ушбу соҳа инфратузилмасига қилинаётган инвестициялар, ахборот хизматларининг кенг кириб келиши ва АКТ соҳасидаги бандликнинг юксалиши билан ифодаланади. Ушбу соҳанинг иқтисодиётга тўғридан-тўғри таъсири АКТ мамлакатнинг узоқда жойлашган ҳудудларигача кириб бориши билан боғлиқдир. АКТга қилинаётган инвестициялар ўз ўрнида янги иш ўринларини яратишга олиб келиб, турмуш сифатини ҳам юксалтиради.

АКТга қилинаётган инвестициялар ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётини янада юксалтиришнинг асосий омилларидан ҳисобланмоқда. АКТ тармоғи ривожланган давлатларда рақобатбардошлик даражаси ҳам юқори бўлиб, улар истиқболда иқтисодиётдаги самарадорликни оширмоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, АКТга қилинадиган инвестициялар мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсирини кўрсатмоқда. 7.1-расмдан кўриниб турибдики, АКТга инвестициялар миқдорини 10 %га оширганда, ЯИМ Буюк Британияда 0,6 %га, Австралияда 0,8 %га, Янги Зеландияда 0,9 %га, Малайзияда 0,14 %га ортган. Ушбу кўрсаткич дунё мамлакатлари бўйича ўртача 0,7 %ни ташкил қилган.

АКТ секторининг билвосита самарадорлиги меҳнат унумдорлигининг ортиши, АКТ потенциали юқори бўлган мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўсиши, инновацион кластерлар шаклланиши ва

ахборот хизматлари экспорти юксалиши билан ифодаланади. АКТ омилининг иқтисодий ўсишга таъсири даражаси АКТ бозори, мобил алоқа, кенг полосали Интернет ва шахсий компьютердан фойдаланиш миқёси ва уларнинг давлат даражасида жорий қилиниши интенсивлигига ҳам боғлиқ.



1-расм. АКТга инвестицияларни 10 %га оширганда, ЯИМнинг ўсиши ҳолати^[1]

Дунё худудлари бўйича АКТдан фойдаланиш даражаси кўрсаткичларига кўра, Шимолий Америка давлатларининг бошқарув ва хўжалик субъектлари ҳамда уй хўжаликларида улардан фойдаланиш бўйича анча юқори (1-жадвал). Уларда кенг полосали Интернет билан уй хўжаликларининг 85 %и, мобил алоқа билан аҳолининг 72 %и, уй хўжаликларининг 93%и эса шахсий компьютерлар билан таъминланган.

Дунёнинг турли худудларида АКТ тарқалиши, %

Худудлар	Уй хўжаликлари-нинг кенг поло-сали интернет билан таъминла-ниши	Аҳолининг мобил алоқа билан таъмин-ланиши	Уй хўжаликлари-нинг шахсий компьютер билан таъминланиши
Шимолия Америка	85	72	93
Ғарбий Европа	62	83	64
Шарқий Европа	32	66	25
Лотин Америкаси	29	66	21
Тинч океан ҳавзаси	17	48	14
Африка	11	37	8

Таҳлилларга кўра, Ғарбий Европа давлатлари ҳам АКТдан фойдаланиш бўйича анча юқори кўрсаткичларга эга. Шарқий Европа ва Лотин Америкаси давлатлари бу борада эришган кўрсаткичлар эса деярли бир хил даражада.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган Африка давлатлари бу соҳада ҳам ривожланган давлатлардан бир неча баробар ортда қолган.

Миллий иқтисодиётни ахборотлаштиришда уй хўжаликларининг ўрни ҳам муҳим.

Шахсий компьютерлар билан 100 та уй хўжалигидан Россия Федерациясида 64 таси, Украинада 28 таси, Арманистонда 29 таси, Ўзбекистонда 25 таси, Озарбайжонда 9 таси, Қирғизистонда 5 таси таъминланган.

Мамлакатда Интернет тармоғидан жамоавий фойдаланиш шахобчалари сони ортиб бормоқда (ЖФШ). Бунга ушбу шахобчалар фаолиятини лицензиялаш жараёнининг соддалаштирилиши ёрдам бермоқда. Интернет тармоғида уланиш учун Wi-Fi технологиясидан фойдаланиш ҳам кенгаймоқда. Тажриба тариқасида фойдаланиш натижаларига кўра, Давлат радиочастоталар комиссияси томонидан республикада WiMAX технологияси бўйича кенг тармоқли симсиз фойдаланиш тармоқларини ривожлантириш мақсадида ҳар бир опреторга частоталар тармоқли ажратиб берилган эди. Бу катта ҳудудларни қамраб олиш билан бирга симсиз тармоқларни яратиш имконини беради (50 километргача). Бунда маълумотларни узатиш тезлиги 32 дан 135 Мбит/с гачани ташкил этади. Шу билан бирга, Wi-Fi технологияси бўйича симсиз фойдаланиш тармоқларини ривожлантириш учун частоталар ажратиб берилган. Улар симсиз локал (офис ичидаги) тармоқларни яратишга ва Интернет тармоғига маълумотларни узатиш тезлиги 54 Мбит/с бўлган юқори тезликка эга симсиз уланишларни вужудга келтиришга мўлжалланган.

Wi-Fi технологиясидан фойдаланилган ҳолда Интернет тармоғига уланиш ҳудуди кенгайтирилмоқда. Натижада Wi-Fi фойдаланиш нуқталари сони ортади.

Рақамли иқтисодиёт ғояси Жаҳон банки томонидан 2016 йил “Жаҳон тараққиёти ҳақида маъруза – 2016: рақамли дивидендлар” маърузасида маълум қилинган. Жаҳон банки мамлакатда рақамлаштиришнинг очик

маълумотлар, электрон ҳукумат тизими, “Яндекс” ва “Касперский” каби рақамли гигантлар, он-лайн-буюртма хизматлари, ахборот технологиялари ёрдамида мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш муддатининг 10 кунга қисқариши каби белгиларини кўрсатади.

Бундай шароитларда алоҳида компаниялар, минтақалар, мамлакатлар ва уларнинг бирлашмалари технологиялар, товарлар ва хизматларнинг янги турлари бозорларида янги шаклланадиган узоқ муддатли рақобатли устунликларни таъминлашга интилиб, рақамли иқтисодиёт соҳасида стратегик қарорлар шакллантириш ва амалга ошириш жараёнига фаол кириша бошлайди.

Шу билан бир пайтда алоҳида тармоқлар ва мамлакат минтақалари кесимида рақамли иқтисодиёт афзалликларини амалга ошириш оқибатларини баҳолаш билан боғлиқ қатор масалаларни ҳал қилиш зарур. “Рақамли иқтисодиёт реал воқеликни тўлдириб турадиган виртуал муҳитдир”.

Яқинда янгича: рақамли иқтисодиёт реал секторларни ривожлантиришга ундашга қодир бўлган аналогли иқтисодиётга қўшимча деган талқин пайдо бўлди.

Буюк Британия – рақамли иқтисодиёт соҳасида етакчилардан бири, лекин ўтган йили ушбу сектор улуши ЯИМ атиги 12 %ни ташкил қилди, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси моддий иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ: реал иқтисодиётда қаерда юқори бўлса, ўша ерда рақамли сегментни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Ғарб мамлакатлари экспертлари рақамли технологиялар иқтисодиёт субъектлари ва бошқарув ўртасидаги муносабатларни созламасдан иш бермаслиги борасида яқдил фикр билдирадилар.

Ғарб бизнеси янги коммуникация воситаларини биринчилардан бўлиб, фаол ўзлаштириб олди, мумкин бўлган ҳамма нарсани рақамлаштирди, ҳукуматдан электрон рақамли имзони қонунчилик билан расмийлаштиришга эришди, нафақат бизнес-ҳамжамият ичида, балки давлатда ҳам рақамли

алоқани йўлга қўйди, давлат идоралари ҳам ўз ахборот тизимларини аста-секинлик билан интеграция қилди. Иқтисодий “рақамлаштириш”нинг учта асосий таркибий қисми мавжуд:

биринчидан, ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш. Бироқ маълумотларни тўғри топиш ва улар билан сифатли ишлаш учун бу мақсадда нима қилиш кераклигини тушуниш зарур;

иккинчидан, биринчи ўринда ишлаб чиқарувчи эмас, истеъмолчи турадиган эҳтиёжлар. Рақамли маълумотлар нуқтаи назаридан айнан “эҳтиёжлар” кўриб чиқиладиган тушунчада “иқтисодиёт” ўзини ифодалайди.

Фаол ахборотлаштириш истеъмолчилар хулқ-атворини ўзгартиради. Маркетинг аста-секинлик билан тўхтовсиз равишда иқтисодий ўзаро алоқаларнинг моҳиятига, ҳар бир кишини иқтисодий ўзаро алоқаларга киришишга мажбур қиладиган асосий ҳаракатлантирувчи куч – эҳтиёжларга яқинлашмоқда. Яъни биз оддийгина бир истеъмолни ҳар бир киши учун умумий қулайлик бошқариладиган ҳудудига ўтказишга қодир бўлган салоҳиятни қўлга киритамиз;

учинчидан, бошқарув. “Рақамли иқтисодиёт” атамасидаги учинчи унсур инсон кўзига кўринмайди. Бироқ бизнинг ҳолатда «машина нигоҳи»ни эътиборга олишга мажбурмиз. Шунда “рақамли” ва “иқтисодиёт” сўзлари орасидаги “кўринмас” бўшлиқни ифодалайди. Бу икки тушунчанинг барқарор уйғунлашуви туфайли, ҳатто, узлуксиз бўшлиқ ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Бошқарув (профессional кадрлар) ўзаро алоқаларни бошқариш малакали тизими бўлиб, назария ва амалиётда инсониятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ишида маълумотлардан фаол фойдаланиш бўйича кенг қўламли фаолиятни прогноз қилиш, режалаштириш, ташкил қилиш, ижро этиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириши кўзда тутилган. Ва бу тизим бугунги кунда, афтидан, бунгача мисли кўрилмаган даражада ҳар томонлама

– илмий, улубий, методологик, технологик, ахборот, инструментал, креатив ва хоказо қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади.

Хулоса: Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини бошқариш учун “йўл харитаси” шакллантирилган бўлиб, у ҳар бир асосий йўналиш бўйича дастурнинг мақсадлари ва асосий вазифалари тавсифидан иборат бўлади, шунингдек, уларга эришиш муддатини белгилаб беради. Ҳукумат дастури ҳақиқатда бажарилган ҳолатда ўзгаришларнинг ижобий томони, энг аввало, давлат органлари учун очиқ бўлган катта маълумотларни жипслаштириш ва бошқаришни марказлаштириш даражасини оширишдан иборат. Бизнес учун (энг аввало, йирик бизнес учун, чунки бу борада унинг имкониятлари кўпроқ) Дастур ва Режага киритилган имтиёзлар олиш ва маълумотлар тўпламига уланишни кенгайтириш ҳисобига маълум бир (жумладан, иқтисодий) фойда ҳам кузатилади.

REFERENCES

1. Deloitte.2019 Global Blockchain Survey.[https:// www.deloitte.com/content/dam/Deloitte/se/Documents/risk/](https://www.deloitte.com/content/dam/Deloitte/se/Documents/risk/DI.2019)
2. Власов, А. П. (2020). Интернет савдоси ва электрон тўловлар: тенденциялар ва келажак. Халқаро савдо ва иқтисодий муносабатлар.
3. Чернова, С. И. (2022). Электрон тўловлар хавфсизлиги: амалиёт ва имкониятлар. *Иқтисодий хавфсизлик*.
4. Suyunov D. X. Corporate governance mechanism: problems and solutions. Monograph / / T.: Academia. – 2007. - T. 200.
5. Suyunov, D., and Elmurod Abdusattorovich Khoshimov. "Methodological aspects of assessing the effectiveness of corporate governance in joint-stock companies.Scientific electronic journal" Economics and innovation technologies " 2 (2018).
6. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them //EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.

7. Suyunova D.D. Corporate in joint stock companies ways to use digital technologies to improve management. European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS), Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 4 No 09. September 2023 ISSN:2660-5570.
8. Суюнова Д.Д. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиш масаласига илмий қарашлар. Иқтисодий тарққиёт ва таҳлил илмий электрон журнали, 2024 йил 31 июль. <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/1472/1379>.
9. Суюнова Д.Д. Рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини ошириш масаласига илмий ёндашув. (Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, халқаро илмий-амалий конференция, 2022 йил 23 декабрь.)
10. Суюнова Д.Д. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий қилишнинг рақамли трансформациясини амалга оширишга илмий-назарий ёндашув. (Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбирворликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, халқаро илмий-амалий конференция, 2022 йил 23 декабрь).
11. Suyunov D. X. Corporate governance mechanism: problems and solutions. Monograph // T.: Academia. – 2007. - T. 200.
12. Suyunov, D., and Elmurod Abdusattorovich Khoshimov. "Methodological aspects of assessing the effectiveness of corporate governance in joint-stock companies. Scientific electronic journal" Economics and innovation technologies " 2 (2018).
13. Suyunov D. H. The main problems of corporate governance and ways to solve them // EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN. – C. 2321-6247.
14. Suyunova D.D. Corporate in joint stock companies ways to use digital technologies to improve management. European Journal of Research Development

